



Ўзбекистонда давлат хизматлари институтининг шаклланиши  
Рафикова Гулноза Валижоновна

Таянч докторант, Наманган давлат университети

Давлат хизматлари Европа ва Шимолий Америкада XX асрнинг 80-йилларидан шаклланди ва ҳозирги даврга келиб бу соҳа ниҳоятда ривожланди. Ўзбекистонда эса давлат хизматлари Президент Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2017 йилдадан бошлаб кенг кўламли ривожлана бошланди.

2004 йилда нашр этилган илмий манбада “давлат хизмати” шундай таърифланган эди: “...давлат хизматининг қуйидаги ҳусусиятларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин: 1) давлат хизмати профессионал фаолият, яъни давлат хизматчисининг давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширишга қаратилган фаолиятидир; 2) мазкур фаолиятни олиб бориш жараёнида давлат органларининг компетенцияси амалга оширилади; 3) бу фаолият давлат органларининг функцияланишини таъминлашга қаратилгандир; 4) бундай фаолият мансаб мажбуриятларининг ижро этилишини таъминлайди. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, мансаб мажбуриятлари давлат хизматига эмас, балки давлат хизматчисига тегишли бўлади. Бу ерда биз, давлат хизмати тушунчасининг шахсий аспектини кўришимиз мумкин. Демак, давлат хизматининг юқорида берилган талқинидан келиб чиқадиган бўлсак, давлат хизмати - бу хизматчиларнинг вакиллик, ижро ва суд ҳокимияти органларидаги профессионал фаолиятидир”<sup>6</sup>. Бу ўша давр учун табиий бир ҳолат эди. Муаллиф ҳам бундан ошириб ёза олмасди. Чунки, ўта марказлашган бошқарув шароитида бу каби тушунчалар 2016 йилгача давом этди.

2003 йилдан бошлаб давлат хизмаларининг бир кичик унсурий йўналиши - тадбиркорлик субъектларини “ягона дарча” тамойили бўйича рўйхатдан ўтказиш туманлар (шахарлар) ҳокимларни ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан амалга ошириб амалиёти ташкил этилди. Лекин, бу янгича хизмат кўрсатиш бошқарувнинг авторитар режимда ишлгани учун ўзининг самарасини бермади. Кейинроқ - 2016 йил 1 январдан бошлаб

<sup>6</sup>Хожиев Э. Давлат хизмати. Ўқув қўлланма.-т.: ТДЮИ, 2004.-Б.15.



Рўйхатдан ўтказиш инспекциялар асосида Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари ташкил этилди. Бу, албатта, аҳоли учун эмас, балки факат тадбиркорларга хизмат кўрсатиш мақсади асосида ташкил этилган эди.

2017 йилгача давлат хизматига оид на назарий, на амалий билимлар ёки тасаввурлар йўқ эди. Давлат хизматига оид хорижий тажриба ва фан 2017 йилда – Ўзбекистон давлати бутун бир дунёга очилганидан кейин шаклланди. Давлат хизмати ва унга оид илмий ёндашувлар ҳамда амалий ҳаёт факат ва факат Президент Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси ҳамда саъии ҳаракатлари ўлароқ шаклланди ва ривожланди.

Маълумки, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини амалга ошириш, шунингдек, аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишини таъминлаш давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари”<sup>7</sup> деб ҳисобланди. Шу асосда аҳолининг давлат хизматларидан кенг фойдаланишини таъминлашда вақт ва молиявий ҳаражатларни камайтириш, фуқароларнинг давлат органлари фаолиятидан қаноатланганлик даражасини ошириш мақсадида 2018 йил 1 январдан Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари ҳузурида фаолият юритувчи Давлат хизматлари марказларига айлантирилди.

Жисмоний ва юридик шахсларга “ягона дарча” тамойили бўйича, шу жумладан, олис жойларга чиққан ҳолда давлат хизматлари кўрсатиш Давлат хизматлари марказларининг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Президент Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2017 йил 1 февралдан бошлаб Ягона марказлар туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари тасарруфидан Ўзбекистон

<sup>7</sup>Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 979-модда.



Республикаси Адлия вазирлиги тузилмасига ўтказилди. Бу соҳадаги ислоҳ натижаси ўлароқ Ягона марказлар воситасидаги давлат хизматлари сони 33 тагача ошиди. 2017 йил 1 апрелдан бошлаб рўйхатга олиш хизмати муддатини 30 дақиқагача қисқартириш имконини берувчи тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг автоматлаштирилган тизими ишга туширилди. Бу ижобий ўзгаришлар натижаси ўлароқ “Doing Business 2018” глобал рейтингидаги “Бизнесни рўйхатдан ўтказиш” кўрсаткичи бўйича Ўзбекистоннинг мавқеини 24-ўриндан 11-ўринга кўтарилиди<sup>8</sup>.

Демак, 2017 йил Ўзбекистонда давлат хизматларининг миллий тизимига асосланган йил бўлиб тарихга кирди. Лекин, 2017 йилда ҳам давлат хизматининг “ягона дарча” тамойилига асосланган давлат хизматлари кўрсатиш имкониятидан фақат тадбиркорлик субъектлари фойдаланди. Аҳоли эса турли давлат органларида хужжатларни расмийлаштириш бўйича мураккаб тартиб-таомиллардан ўзлари ўтишлари зарур эди. Шунингдек, бир қатор давлат органларида ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базалари мавжуд эмаслиги, улар идоралараро интеграция қилинишининг паст даражада эканлиги жисмоний ва юридик шахслар томонидан барча давлат хизматлари мажмуасидан қулай ва ўз вақтида фойдаланишнинг ҳеч бир имкони йўқ эди.

Хукумат томонидан давлат хизматлари марказларининг ташкил этилишида бир қатор муамолар мавжуд эди. Жумладан, давлат хизматида ахборот-коммуникация технологиялари қўллашнинг паст даражада эканлиги, қоғоз хужжатлар айланмасининг асосиз молиявий харажатларга, фуқароларнинг идораларда кўп вақт кутиб қолиши, узундан-узоқ навбатлар юзага келиши сабабли коррупция ва бюрократияни яшashi учун қулай имкониятлар бартараф этилмаган эди<sup>9</sup>.

Мамлакатда давлат хизматини шакллантириш ва ривожлантиришда Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган «Халқ давлат идораларига эмас, давлат

8

<sup>9</sup>Ортиқхўжаева Г. Давлат хизматлари нима ва ундан қачон, қай тартибда фойдаланамиз? 26.03.2018 й.// <http://old.adolatnashr.uz/page/davlat-hizmatlari-nima-va-undan-kachon-kay-tartibda-foydalanamiz>.



идоралари халқимизга хизмат қилиш керак» принципларига асосланди. Давлат хизмати кўрсатишнинг миллий тизими шаклланди.

Ўзбекистонда 2017 йилгача бу соҳа халқимиз ва давлатимиз учун номаълум бўлган воқелик эди. Давлатнинг аҳолига хизмат қилишига ҳеч ким ишонмас эди. Шундай бир шароитларда - 2017 йилда Ўзбекистон давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрда қабул қилган «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ Адлия вазирлиги хузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди. 2017 йил 8 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислоҳотлар концепцияси тўғрисида”ги фармони давлат ҳизмати кўрсатишнинг ҳуқуқий асоси сифатида намоён бўлди. Давлат хизматлари агентлиги (ДХА) 2017 йилдан бошлаб нафақат тадбиркорлик субъектларига, балки барча фуқароларга ҳам турли йўналишларда хизмат кўрсата бошлади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 февралда қабул қилган “Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида”ги қарорида давлат хизматлари агентлиги олдига “аниқ бир турдаги давлат хизматини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани ялпи хатловдан ўтказиш”, шунингдек “давлат хизматларини оптималлаштириш, асосиз чекловлар, ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар ва эскирган тартибга солиш механизmlарини бартараф этиш, қонун ҳужжатларини қисқартириш, нормаларнинг кўплигини бартараф этиш ва уларни ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатга бирлаштириш орқали нормаларни тизимлаштириш” вазифалари қўйилди<sup>10</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президент 2020 йил 4 августда қабул қилган «Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида 2020 йилнинг 1 сентябридан бошлаб, ижтимоий нафақаларни тайинлаш тўғрисидаги

<sup>10</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида”ги қарори. 2019 йил 15 февраль//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.02.2019 й., 07/19/4193/2628-сон, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон; 24.07.2021 й., 06/21/6268/0700-сон).



аризаларни кўриб чиқиш ва уларни тайинлаш тартиб-таомиллари «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими воситасида босқичма-босқич амалга оширилиши асосий вазифа сифатида белгиланди.

Мамлакатимизда фуқаролар ва тадбиркорларга давлат хизматлари кўрсатиш тизими босқичма-босқич ислоҳ қилиниб, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш борасида тизимли чора-тадбирлар фаол амалга оширила бошланди. Хусусан, 2021 йил ўртасига келиб соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида 70 дан зиёд давлат хизматлари соддалаштирилди, давлат хизматлари марказлари томонидан қамраб олинган хизматларни кўрсатиш муддати ва талаб этиладиган ҳужжатлар сони ўртacha икки баробарга қисқартирилди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида 2021 йилнинг охирига қадар электрон давлат хизматларини 60 тага кўпайтириб, улар сонини 300 тага, масофавий хизматлар улушини эса камида 60 фоизга етказиш зарурлигини таъкидлаганди<sup>11</sup>.**

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан тайёрланган лойиха асосида 2021 йилда талабгорлиги юқори бўлган 60 та давлат хизматини Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ([my.gov.uz](http://my.gov.uz)) жорий қилинди. Йил давомида жами 60 та янги хизматлар ишга туширилди. Мураккаб шароитларда ҳам талабгор хизматларнинг онлайн шаклда, қулай тарзда тақдим этилиши аҳолига нафақат енгиллик беради, балки уларнинг идорама-идора юриб, касалликка чалиниши эҳтимолининг ҳам олдини олади.

Бу соҳадаги ислоҳотлар самараси натижасида 60 та янги хизмат турлари йўлга кўйилди:

- Фуқароликка қабул қилиш учун ариза юбориш;
- Автомобилни техник кўриқдан ўтказиш учун онлайн тўловларини амалга ошириш;
- Республикандан чиқишига чекловлар мавжудлигини текшириш;

<sup>11</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 й. 30 декабрь./<https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu>.



- Иш даромадлари тўғрисида маълумотнома олиш;
- Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағи ҳолати ҳақида маълумот олиш;
- Олий ўқув юртларига ҳужжатларни қабул қилиш;
- Автотранспорт воситаларини онлайн рўйхатдан ўтказиш;
- Автотранспорт воситасини давлат рақами ва техник паспортини ўзгартериш учун ариза юбориш;
- Олий таълим муассасаларининг магистратурасига ўқишга кириш учун ҳужжатларини топшириш;
- Мехнат дафтарчасидан кўчирма олиш;
- Сайлов участкасини аниқлаш ёки ўзгартериш ҳамда шу каби долзарб ва талабгор хизматлар киритилган<sup>12</sup>.

Ушбу дастурда давлат хизматларини тўлиқ масофадан қўрсатиш бўйича жараёнларни автоматлаштириш ва хизмат қўрсатиш босқичларини максимал даражада оптималлаштириш мақсад қилиб қўйилди.

Жумладан, 2018 йил 1 апрелга қадар жисмоний ва юридик шахсларга “Муҳандислик-коммуникация тармоқларига “тайёр ҳолда” уланиш”, “Бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартеришни (фасадини таъмирлашни) келишиш”, “Объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга рухсат бериш”, “Архитектура-режалаштириш топширигини ишлаб чиқиш”, “Лойиха ҳужжатларини келишиш”, “Курилиш-монтаж ишларини амалга оширишга рухсат бериш”, “Якка тартибда уй-жой қуришга (реконструкция қилишга) рухсат бериш”, “Курилиши тугалланган (реконструкция қилинган) объектни фойдаланишга қабул қилиш”, “Ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталарни кесишга рухсат бериш”, “Сувдан маҳсус фойдаланиш ёки сувни маҳсус истеъмол қилиш учун рухсат бериш”, “Ўсимлик дунёси объектларидан маҳсус фойдаланишга рухсат бериш”, “Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича ариза бериш”, “Фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш” бўйича

<sup>12</sup>Ягона портал: 2021 йили ишга тушадиган 60 та янги хизмат тасдиқланди.02.04.2021.//  
<https://www.terabayt.uz/post/yagona-portal-2021-yili-ishga-tushadigan-60-ta-yangi-xizmat-tasdiqlandi>.



хизматлар кўрсатиш бошланади. Шунингдек, 2018 йил 1 сентябрга қадар жисмоний ва юридик шахсларга “Туғилганликни қайд этиш”, “Адлия органлари ва муассасаларидан чиқадиган расмий хужжатларга апостиль қўйиш”, “ФХДЁ ва нотариат органлари томонидан архив хужжатларини бериш”, “Судланганлик ҳақида маълумотнома бериш”, “Жисмоний шахс — солик тўловчининг солик ва бошқа қарзи йўқлиги (борлиги) ҳақида маълумотнома бериш”, “Жисмоний шахсларга СТИР бериш” бўйича давлат хизматлари кўрсатиш имкониятлари яратилади. 2019 йил 1 январга қадар эса, “Турган жойи бўйича прописка қилиш, пропискадан чиқариш, ҳисобга олиш”, “Вақтинча яшаш (прописка) учун рухсатномаларни бериш ва муддатини узайтириш”га оид дават хизматлари жорий этилди<sup>13</sup>.

---

<sup>13</sup>Ортиқхўжаева Г. Давлат хизматлари нима ва ундан қачон, қай тартибда фойдаланамиз? 26.03.2018 й.  
<http://old.adolatnashr.uz/page/davlat-hizmatlari-nima-va-undan-kachon-kay-tartibda-foydalanamiz>